



# ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ  
ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН  
ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 28 (8268).

9 февраль, 1984 йил • ПАЙШАНБА • Баҳоси 3 тийин.

## ОБЛАСТИМИЗ ЧОРВАДОРЛАРИНИНГ БУ ЙИЛГИ МАЖБУРИЯТЛАРИ

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ ЧОРВАДОРЛАРИ 1983 йили асосий кўрсаткичлар бўйича муваффақиятли аяниб, беш йилликнинг ўтган уч йили учун белгиланган тошйирқларни бажардилар. Барча совет кишилари қатори область чорвадорлари ҳам КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил декабрь Пленуми қарорларини, ўрток Ю. В. Андроповнинг нутқларида баён этилган қонда ва хулосаларини қизғин маъқуллаб, бу муҳим ҳужжатларни ўзларининг асосий иш программалари сифатида қабул қилдилар.

Хозирги кунда область чорвадорлари қишлоқ муваффақиятли аяниб, маҳсулот етиштиришни ёз ойларидаги камайтирмаслик учун ўзаро социалистик мусобақани қизғин давом эттиришмоқда. Илгори ҳужалик-

лар қишлоқ учун жамғарилган озуқа турларини қайта ишлаб, тўйинилиги ва хушхўралигини ошириб молларга бермоқдалар. Шунинг учун бундай ҳужаликларда сут етиштириш тошйирқлари графикдадан ўзиб бажарилмоқда.

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллик юбилейини меҳнатда катта ютуқлар билан нишонлашга қатъий қарор қилган область чорвадорлари 1984 йил учун юксак социалистик мажбуриятлар қабул қилдилар. Озуқа базасини янада мустаҳкамлаш, зооветеринария ишларини яхшилаш, молларни асраш ва парварлаш қилиш технологиясини тақомиллаштириш ҳисобига бу йил ҳар беш сизирдан 3300 килограмдан сут сўғиб олиниди. Гўшга тошйирқларидан ҳар беш қорамол-

нинг ўртача тирик вазни 425 килограммига етказилди. Деҳқончилик учун яроқли бўлган ерларнинг ҳар 100 гектари ҳисобига тирик вазнида 82 центнердан гўшт ва 225 центнердан сут етиштиришга эришилди. План тошйирқларидан ўзиб кетиб, бу йил давлатга 50,5 минг тонна гўшт, 155 минг тонна сут, 312 миллион донга туҳум, 1000 тонна жуң (соф тола ҳисобида) тошйирқиди. Область илгорида ҳозирдаги маҳсулоти ҳозирдаги ҳисобига кўпайтирилди. Таътирлар тартибга келтирилиб, қатор оралари юмшатишда, минерал ва органик ўғитлар солиб, яхоб суви берилмоқда. Уларнинг бу ҳаракатлари 1984 йилда 2180 тонна илгори таътирлар юзасидан қабул қилинган социалистик мажбуриятнинг муваффақиятли бажарилишига қаратилгандир.

## МУРОЖААТГА ЖАВОБАН

### БАРВАҚТ БАЖАРАМИЗ

КПСС Марказий Комитетининг сўзловчиларга Мурожаати тексини ишлаб чиқариш бирлашмаси ходимлари зўр қизғинчи, жонанон Ватан ва Ленинни коммунистлар партиясидан фахрлини ҳис-ҳуйгулар билан ўқиб чиқдилар. Бизнинг ҳар биримиз совет кишиларининг фаровонлигини ошириш тўғрисидаги партия ҳамхўрлигига жавобан жонанон совет давлатининг қудратини янада юксалтириш ва мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшишга интилоқдамиз.

Шахсан мен беш йил ичида ўн йиллик планни бажаришга аҳд қилдим. Ҳозир 1986 йилнинг сўнги кварталига ҳисобига меҳнат қилаяман. Тикувчи-мотористлардан М. Володина, Ф. Дрозкина, биқиқчи С. Ана-

нов, дазмол босувчи Л. Мишченковлар ҳам шахсий беш йилликни муддатидан илгари адо этдилар.

Бирлашма коллектив ҳам юксак мажбуриятлар қабул қилди. Бу йил эркаклар, хотин-қизлар ва болаларнинг пландан ташқари 10 мингта палатосини тиқиш ва реализация қилиш мўждаланган. Маҳсулотнинг деярли барча турлари аниқланди. Давлат сифат белгиси қўйилган буюмларни ишлаб чиқариш умумий ҳажмини 63 процентга етказишга қарор қилинди.

Бирлашманинг ўнлаб бригадалари СССР Олий Советига сўзлов шарафига зарбдор вахтада туриб меҳнат қилмоқда. Ишчи хотин-қизлардан уч юздан кўп киши квартал планни 4 мартагача бажаришга азму қарор берган.

В. КРУГЛОВА,  
Тошкент «Қизил тоғ» ишлаб чиқариш тикувчи-бирлашмасининг тикувчи мотористкаси.

жалғимизда пахта ва бошқа қишлоқ ҳужалик маҳсулотлари етиштириш планлари муваффақиятли бажарилди. Бу галабаларнинг ҳаммасига меҳнат туфайли эришдик.

СССР Олий Советига бўлаган сайловда коммунистлар билан партиячилар блокни учун овоз берад эканмиз, янада баракалорқ ишлаб, Ватанимизни қизғинчи ва муҳофаа қудратини мустаҳкамлаш учун бутун имкониятларини ишга солиамиз. Совхозимиз деҳқонлари ўн биринчи беш йилликнинг охиригача пахта етиштиришни 7 минг тоннага етказишга аҳд қилганлар. Айни кунларда баҳорги маҳсулоти барча экин майдонлари ва техника воситалари сифатли тайёрлаб қўйилмоқда.

Т. ИНОМОВ,  
Пискент районидан  
«Пискент» совхозини директор.

КОММУНИСТИК районидан «Правда» колхозиди техника воситаларини барвақт маҳсулоти шай қилиб қўйиш аянанага айланган. Ҳужалик механизаторлари ва ремонтчилари бу йил ҳам мажбур 69 та ишлов, 29 та ҳайдов тракторларини, 62 та экин сеялкаларини сифатли ремонтдан чиқариб қўйдилар. Суратларда: (юқорида чапдан) пешқадам комсомол аъзоси Акимий Мамбеталиев; 1-участка механизатори Сергей Дё, колхоз халқ контроли группасининг раиси Александр Пой, беш инженер Леонид Ким ва механизатор Евгений Ли ўртоклар ремонт сифатини кўздан кечиришмоқда; илгори механизатор Болтабой Мусурмоқулов; колхоз техника паркида.

В. Портнов фотолари.

Боядан буюн биргина шу сўзга илҳақ бўлиб турган дуноналар бараварига Рихсикон ола томон таллиннидию, бир зумда уни исиққ бўсаларга қўйиб юборишди. Пўқ, барбир ўша йили Каромат ишга кирмади. Онаннинг маҳлафати билан комбинат хузуридаги хунар-техника билим юртида ўқиб бешлади. Энди ўйлаб кўрс, тўғри қилган экан.

## КЕЛАЖАК ТОНГДАН БОШЛАНАДИ



«Яхши ният қил, болам, яхши ният! Билсанг, яхши ният ҳам ярим давлат».

Каромат эсини танибдики, онасидан шу сўзларни эшитди. У Калинин районидан 33-мактабнинг саксонинчи синфини битириб, хунар-техника билим юртига ўқишга кирган кезлари бундай зарур экан.

Ховли тағатига экинган райхонларга сув сепаетган Рихсикон ола дарвозанинг беҳосдан тараққиб очилишидан чўчиб тушди. Ортига ўтирилганча хавотирли нигоҳини кўчадан юзгириб кирган қизига қадаркан, бир зум саросимага тушиб, қўлидаги обдагани ташлаб юборди.

Ойикон, охиригисини ҳам «бешга» тошйирдим. — қадди-баси чўзилиб, анча тўлишиб қолган Каромат кела солиб ўзини онани бағрита олди.

— Вой, қизи тушмагур-а, шунга шунча айюҳаннос соласанми? — Рихсикон ола енгил нафас оларкан, юзлари майя табассуми ёйилди. — Сал бўлмаса, ўтамни ёрай дедик-ку.

— Э, йўқ, ойикон, фақат бутгина эмас, — Кароматнинг лўппи юзларига негизли қизилик югурди. — Биласанми, ойи, — деди бироздан сўнг қўзларини эрга қалаганча. — Мен дуноналарин билан маҳлафатлашиб, тўқимачилик комбинатига ишга кирмоқчийдим. Агар сиз...

— Яна ўша гапми? — Рихсикон ола қўзларини ариқчадан оқаётган сувга чайди-да, ишқом остидаги сўзига бериб чўқди. — Бу ҳақда менга олдин ҳам айтгандинг, — деди ҳануз ўриндан жимлай турган қизига қараб. — Кўнмовдим. Нима, ота-бобимизни боққан кенг дала бизни тўғилмайдими?

Шу пайт сўзларини бериб келган Камолда сўри чегита келиб ўтирди. Қизларга хос айриқилик билан она-бола ўртасида ўтган гапни тушуниб етди шенли, оҳиста тилга кирди.

— Келинг, жон холажон, рози бўлақоқинг. Каромат илҳақимиз бир ош ишлаб қўйилди, ўқиб бўлса қочмас, — деди илтижоли овозда.

Рихсикон ола ҳар иккинсининг ҳам кўнглини огритмоқчи эмасди. Алмо энди рост гапни айтмай иложи қолмади.

— Биламан, болаларим, — деди уларга сичковлик билан назар ташларкан. — Ленин силар қиз бола нармаса бўлсангилар, устига шаҳар шаронти, бир қадам бўлса ҳам узоқ-да. Эрта-ининг оғирлик қилди, деб кўнглиларинг ишдан сову-маса, деб қўқаман. Бўлмас-ку, майли-я...

Боядан буюн биргина шу сўзга илҳақ бўлиб турган дуноналар бараварига Рихсикон ола томон таллиннидию, бир зумда уни исиққ бўсаларга қўйиб юборишди. Пўқ, барбир ўша йили Каромат ишга кирмади. Онаннинг маҳлафати билан комбинат хузуридаги хунар-техника билим юртида ўқиб бешлади. Энди ўйлаб кўрс, тўғри қилган экан.



Талабаларини йиллари амалий иш жараёни билан омуҳлашиб кетди. Дастлабки кўликма ва тажрибалар билим юртини туталлаб, комбинатнинг 2-фабрикасидаги 2-цехда ишлаб бешлаган кезларида жуда қўл келди.

Унинг дастлабки меҳнат фаолияти корхонада янги АТПР-100 маркали пневматик қиқаришга жорий этилаётган пайтга тўғри келди. Унча катта бўлмаган зилликдаги агрегатларда меҳнат операцияларини пухта ўзлаштириб олган Каромат 1973 йилдан янги станокларни бешқаришга ўтди. Ана шу дақиқаларда устозлари Людмила Филиппова, Евгения Губина, Мария Чекимазовалар ундан маҳлафат насихатларини аямасди.

Уларнинг бегарас ёрдамлари туфайли еш ишчи станоклар сонини 18 тадан 23 тага, кейин 30 тага, ва нинҳонг 36 тага етказди. Албатта фабрикада ишчи кучи етишмаслиги оқибатида кўплаб дастхўрлар бекор туриб қолётган вазиятда бундай ташаббус тармоқ зонасини кенгайтиришда ҳар томонлама фойдали эди. Кўп ўтмай корхонада экин тушириб бир қанча издошлари етишиб қиди.

Кексалар сўҳбатига олам-олам маъно мунассам. Йиллар заҳматидан пешона-сига ақинлар тушиб, сочларига оқ оралаган Рихсикон ола ҳар сафар қиз билан сўҳбатлашиб қолса: «Қалол меҳнат ҳеч қачон зоо кетмайди» деган гапларни кўп қайтаради. Ҳақ гап экан, Кароматнинг меҳнатлари ҳам ўз баҳосини топти. Аввал, 1975 йилда Бутунити-фоқ социалистик мусобақасида голиб чиққанлиги учун Москва, Галаба байроғи остида суратга тушиб шарафига муяссар бўлди, ордан уш йил ўтганча, «Меҳнатда ўркан кўрсатганлиги учун» медали билан тақдирланди. Кейин эса Ўзбекистон Ленин комсомоли ва тўқувчи ола-синигл Виноградовалар мукофотларини лауреати бўлди. Ўша кўнвончи кунлар арафасида қардош Болгарияда бўлиб, Иваново ва Владимир областлари сановат корхоналарининг бир гуруҳ илгори ишчилари қатори ўзаро социалистик мусобақа шартномасига имзо чекди.

Эл ишончи, халқ ҳўрмати кишини янада унумлироқ, ишлашга, тинмай илганига даъват этади. КПСС аъзоси-сига қабул қилинганча, Кароматнинг зиммасидаги маъсулият янада ортиди. Ўтган йилнинг сўнги кварталда у бешқаришга станоклар бир мунча сермеҳнат қардмал-мали газламасини ишлаб чиқаришга мослаштирилди. Бу ассортиментдаги

газлама учун сарфланадиган иллар аввалгиларига нисбатан ниҳоятда нозик, арзиматан қоқайди туфайли узиллиши, оқибатда маҳсулот сифатининг бузилишига олиб келиши мўмкин. Шу боисдан ҳам тармоқ нормаси 17 та станокдан иборат қилиб белгиланган. Лекин Каромат ўз имкониятларини ҳисобга олган ҳолда бир йўла 30 дастхўрни бешқаришга аҳд қилди. Бугунги кунда у болгариялик мусобақадорши, машҳур тўқувчи Йордана Аврмова билан тажриба алмашиб, 1986 йил ҳисобига меҳнат қилмоқда.

Ишон улғайгани сари юмушлари ортиб бориши табиий. Тошкент—Ленин сайлов округидан СССР Олий Совети Итифоқ Совети депутатлигига номзоди кўрсатилган Каромат Ҳаномовна Ёқубоева ишдан ташқари асосий вақтини жамоат ишларига бағишлайди. У синадан сўнг Сергел районини, эртасига эса Ленин райони сайловчилари билан учрашувга бориши, бундан ташқари район партия комитетини ва корхона касабасоюзлари комитетининг аъзоси сифатида бир қанча тошйирқларни бажариш лозим.

— Ҳам иш, ҳам шунчалек жамоатчилик тошйирқлари, қийналиб қолмайсанми?

— Кутилмаган саволимиз. Каромат бир лаҳза ўйлаб қолди.

— Йўқ, аяканча, — деди бироздан сўнг орага тушган жимлигини бузиб, — бу борада дуноналарим, устозларим, қолаверанча, турмуш ўртоким Ҳабибулла ҳам ёрдамларини аямасдилар. Уларнинг кўмагида ҳозир Тошкент тўқимачилик ва енгил сановат институтининг бешинчи курсида ўқияман. Фақат гоҳ-гоҳида биринчи сифиди ўқитган ўғлим Ҳақрамон мураккаб саволлар бериб, мен қийин аҳволга солиб қўйди.

Сўнги сўзларини айта туриб Каромат ўғли билан кечаги сўҳбатини ёдга олди...

— Ая, келажак дегани нима? — боланинг кўзлари катта-катта очилди. — У қардан бошланади ўзи?

— Келажакми? — Каромат нима дейишга ҳайрон бўлиб қолди. Сўнгра дераза тоқчасига тўпланиб қолган қорни қағитга олиб ўйнаган экан, маънодор қилиб жаваб қайтарди. — Сен учун мана шу уйдан, қор сингари бегубор тилақдан, оппоқ тоғдан бошланади.

У шу лаҳзада Ҳақрамон ҳеч нарсани тушунмаганини сезди-ю, оҳиста унинг елкасига қўл қўйди.

— Ҳа, майли, бир кунни улғайсанг, ўзинг тушуниб оларсан, ўғлим...


А. ҲАЙДАРОВ.



50,5 минг тонна



155 минг тонна



312 миллион донга


## ҲОРМАНГ, САИДЖОН АКА!

САИДЖОН Худойкулов Бўна районидан «Партия XIX съезди» колхозининг ветеран пахтакорларидан. У янги ерларни ўзлаштириш, пахта етиштиришни кўпайтиришга муносиб ҳисса қўшиб келаётир. Ишчи оддий колхозчиникдан бешлаган Саиджон Худойкулов кейинчалик ҳисобчи, бригадир, участка бошлиги ва бошқа лавозимларда муваффақият билан меҳнат қилди. Бир неча йилдири, у бригадага етакчилик қилмоқ

да. У бошлиқ коллектив деҳқонлари ўтган йили ҳам юқори кўрсаткичларга эришди-лар. Мажбур 80 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 33 ўрнига 46 центнердан хирмон кўтарилиди. Бу муваффақиятга бригаданинг Қурбон Йўлбарисов, Тўхта Ҳайдаров, Шоди Қодиров, Жума Собиров, Ойдин Емгирова, Турди Алимова, Гўлубон Зоирова, Абдуллаев, Мамат Абдуллаев сингари аъзолари катта ҳисса қўшдилар.

Уста пахтакор Саиджон аканинг бу йилги нияти ҳам улкан. — Ҳар гектаридан олинадиган ҳосилини ўтган йилдагига қараганда икки-уч центнерга оширишга аҳд қилганмиз, — дейди у. — Шу мақсадга қўқламга тайёргарлик ишларини кун сайин кучайтирмоқдамиз. Ерлар кўзда сифатли шудгор қилиб қўйилган. Ариқ-зовурлар тозаллаб қўйилди. Айни кунларда далаларга маҳаллий ўғит ташиб чиқариш қизғин давом эттирилмоқда.

Н. ТУРСУНОВ.



## ИЛГОРЛАРГА БАЙРОҚЛАР

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон Касаба союзулари республика Совети ва пахтани сифатли қайта ишлаш юзасидан пахта заводлари ўртасида соци-

алистик мусобақанинг шу йил январь ойи якулиларини кўриб чиқдилар. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон Касаба союзулари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКММ Марказий Комитетининг кўмақи билан

байроқлари қўйидагиларга берилди: **Янгибозор пахта заводи** (1-ўрин). Бу завод тола ишлаб чиқариш планини 119,9 процент бажарган, тола акратиб олиш планини 0,8 процент ошириб адо этган, 150 тонна пахта тежасан, ишлаб чиқаришда чиқитта ва пахтанинг пастроқ навли толага ўтишига йўл қўймаган ҳамда пландан ташқари 30 минг сўм фойда олган. Байроқ А. Икромов номидан пахта заводида олиб берилди. **Пискент пахта заводи** (2-ўрин). Бу завод тола ишлаб

чиқариш планини 100,7 процент бажарган, тола акратиб олиш планини адо этган, 3 тонна пахта тежасан, ишлаб чиқаришда чиқитни 0,48 процент камайтирган ва нормативдан ташқари пахтанинг пастроқ навли толага ўтишига йўл қўймаган. Байроқ Бахт пахта заводида олиб берилди. **Беруний, Бўз, Чортоқ, Ленин йўли, Ўзбекистон ССР беш йилги номи, Урганч, Гулран пахта заводларининг** яхши ишлаганлиги қайд этиб ўтилди.

## ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КАСАБА СОЮЗЛАРИ СОВЕТИДА

### ЮБИЛЕЙ ЙИЛИ МУСОБАҚАСИ

КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил декабрь Пленуми қарорлари, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўрток Ю. В. Андроповнинг шу Пленумда етилган қонда ва хулосалар, КПСС Марказий Комитетининг барча сайловчиларга ва граждандарга Мурожаати область меҳнатчиларининг сийсий ва меҳнат активлигини янада жўш урдириб юборди.

Қишлоқ ҳўжалик меҳнатчилари беш йилликнинг тўртинчи йили дастлабки кунинида ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини янада ошириш учун қизгин кураш бошлаб юборди-лар.

Колхозлар, совхозлар ва қишлоқ ҳўжалик ишлаб чиқариш корхоналари Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йилги шарафига социалистик мусобақани кенг қўлоқ ёйдириб, КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил май Пленуми қарорларини, 1984 йил планларини бажариш юзасидан тизим муқобил планлар ва оширилган социалистик

мажбуриятлар қабул қилди-лар.

Бўна районидан Фрунзе номи, Бекобод районидан Ленин номи, Пискент районидан Свердлов номи, колхозлар, Тошкент районидан К. Маркс номи колхоздан, Жўра Раҳбаров, Коммунистик районидан «Политотдел» колхозидан Валентин Тен, Бўна районидан «Октябрь 40 йиллиги» колхозидан Саиджабор Сулаймоновлар бошлиқ бригадалар, агросановат бирлашмасининг Калинин районидан теличалар қуриш ва фойдаланиш комбинатининг Буюйми Худойкулова бошлиқ звеноси коллективлари, Тошкент районидан «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхозининг сўт соғувчиси Волида Мусаевлар илгори технологияни жорий этиш, агротехника усулларини тақомиллаштириш, ҳо-сидорлигини ошириш ҳисоби га партия қўйган муҳим ва аифа — меҳнат унумдорлигини пландан ташқари камидан 1 процент ошириш ва маҳсулот таннарихнини кўпайтиришга 0,5 процент камайтириш, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компар-

тиясининг 60 йиллигини муносив кутиб олиш юзасидан оширилган социалистик мажбуриятлар қабул қилди-лар. Коллективларнинг ва қишлоқ ҳўжалик ишлаб чиқариш илгориларининг ташаббусларига жиддий эътибор бериб, область касаба союзулари Совети колхоз, бригада ва звено коллективларининг, ҳамда қишлоқ ҳўжалик ишлаб чиқариш илгориларини Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясини ташкил этилганлигининг 60 йиллик юбилейини муносиб кутиб олишга қаратилган ташаббусларини маъқуллади.

Қишлоқ ҳўжалик ходимлари касаба союзи область комитетига ушбу ташаббус-ни агросановат комплексини составига кирувчи колхозлар, совхозлар ва қишлоқ ҳўжалик ишлаб чиқариш корхоналари коллективлари ўртасида кенг ёйиш ва қўллаб-қувватлашнинг таъминлаш тақдир этилди.

Колхоз, совхоз ва қишлоқ ҳўжалик ишлаб чиқариш корхоналари касаба союзи ташкилотларига ҳўжалик раҳбарлари билан биргаликда қабул қилинган мажбуриятларнинг бажарилиши ус-

тидан таъсирчан назорат ўтказиш, ушбу ташаббусларнинг муҳимлиги ва моҳиятини ҳар бир меҳнатчига етказиш тошйирқиди. Йилнинг дастлабки кунлариданоқ қабул қилинган мажбуриятларини бажаришлари, ўз маҳоратларини тўла намоиш этишлари учун ҳар бир меҳнатчига зарур шарт-шароитларни яратиб бериш лозим.

Касаба союзулари область комитетлари зиммасига ҳамма ерда муқобил планлар ишлаб чиқиш ҳаракатини авж олдириш, бунинг учун меҳнат коллективлари ва уларнинг корхоналари, муассасалари, ташкилотлари бешқаришдаги ролларини ошириш ҳақидаги Қонунда кўзда тутилган барча имкониятлардан тўла фойдаланиш ваифаси юклатилди. Коллективларини беш йилликнинг тўртинчи йили планларини сўзсиз бажаришга, уни ошириб бажариш имконини берувчи барча резервлардан тўла фойдаланишга сафарбар этиш юзасидан таъкилотчилик ва оммавий-сийсий ишларини кенг қўлоқ ёйдириш зарур.

миш ишларок элиниги таби  
милаш маъсиди депутат  
зиммасига кулган вазири  
дамда ўз сайловчилари  
билан дамда ўз сайловчи  
алоқа боғлаш туриш имко  
ниги унинг ҳуқуқи маъсид  
ни белгиледи.

Совет ҳалқи СССР дав  
ҳокимиятини олий органи  
ға ўз вакиллари сайла  
жан, уларнинг зиммасига  
масъулиятни ва фахрни ва  
вазифаларни куллади.

Бутун мамлакатда бўгани  
каби областинида ҳам фа  
рет кишиларнинг юксак фи  
си активлиги ва меҳнат гай  
рати жўш урган вазирида  
давлат ҳокимиятини олий  
органиға бўлагидан сайлов  
ға қизғин таййаргарлик ку  
рилмоқда.

Ҳеч шубҳа йўқки СССР  
Олий Советига ўтказил  
ладиган сайлов жонажон  
Коммунистик партия  
унинг ленинчи Маркази Ко  
митети теварига ҳалқини  
жиқлашган кўп миллатли  
мамлакатини ҳалқларини  
мустанжам бирлигини яна  
бир бор намоиш этиди.

**К. КОМИЛОВ.**

Ўзбекистон ССР Фан  
лар Академияси И. М.  
Муминов номидаги фал  
сафа ва ҳуқуқ институ  
ти сектор мудири.

ИШҚ ИЧРА БЎЛУРМУ  
Б У Н Ч А П О К



моқда: (ўнгда) уруғлик тайёрлаш лабораторияси мудири Махбуба Турдиқуллова уруғлик сифатини аниқлаш учун намуналар олипти.

В. Сироткин фотолари



ХЕЧ КИМ, ХЕЧ НАРСА  
УНУТЛИМАЙДИ

СССР Мудофаа министри-  
лигининг Марказий архиви-  
да ҳужжатларни қўздан ке-  
чириб ўтириб, Латвия ССР-  
нинг Мадон районига душ-  
манга қарши олиб боришган  
жангларда ҳалок бўлган ўз-  
бекистонликларнинг исм-  
фамилияларини учратиш  
қолдири. Мана улар: тўйе-  
палек Мусатой Акимов, оҳангаронлик Иброҳим Ма-  
медов...

Юқоридагилар қаторида  
ҳамюртлар Кўчқор Ҳайдар-  
овнинг ҳалок бўлганини  
ифодалаган ёзувга қўш-  
дим. «1898 йилда Писнет  
районининг Керович қишлоқ  
Советидаги Ворошилов номи-  
ли (ҳозирги «Гулистон»)  
колхозда тутилган. Кўчқор  
Ҳайдаров урушда мардлар-  
ча ҳалок бўлди. У 1944 йил  
7 август кўни Латвия ССР-  
нинг Мадон уездига Лава-  
ни қишлоғига дағи этил-  
ган».

Сабрим чидамай аниқла-  
гани ҳужжат тўғрисида «Гу-  
листон» колхоз раиси Ис-  
лиддин Ҳайдаровга батаф-  
сил ёзиб юбордим. Бунда  
мен фамилияларининг бир  
килада эканлигини назарда  
тутган эдим. Кўчқор Ҳайдар-  
ов Исиддин Ҳайдаров-  
нинг қариндoshi, колхоз  
миллачиллик бригадаси бош-  
лиги Қурбонкул Ҳайдаров-  
нинг акиси бўлиб чиқди.

Яқинда Муртазоқул Ҳай-  
даров дўсти Ҳабибулла Аза-  
матов билан отасининг қаб-  
рини зиёрат қилиш учун  
Латвия ССРга бориб келди.  
Сафарга отланган олдиндан  
махсус мармар ёдгорлик  
тайёрлатди. Унга «Ҳайдаров  
Кўчқор 1898—1944. Тош-  
кент. Писнет. Керович.  
«Гулистон» сўзлари ёзилган

Эиератчиларни Мадон  
райони ва шаҳри ҳарбий ко-  
миссари ялий қарин оиди.  
Улар комиссарга воқеани ва  
вазирнинг батафсил тушунти-  
риб бердилар.

Лаваги қишлоғига йўл  
кўрсатгани. Отам ўша  
қишлоққа дағи этилган,  
— деди Муртазоқул.

— Латия ҳалқининг, шу  
жумладан, мадонликларнинг  
одамфарчилигини таъриф-  
лашга сўз тополмайман,  
— деди ҳарбий комиссар.  
— Улар марҳумлар қабри қар-  
овсиз қолмасин, оёқ ости  
бўлмасин деган ниятда қи-  
шлоққа дағи этилган».

# З И Ё Р А Т

лоқлардаги барча қабрлар-  
ни шаҳар марказига кўчи-  
риб, у ери салобатли зиё-  
ратгоҳга айлантиришган.  
Шунга кўра Лаваги бо-  
ришга ҳолат йўқ.

Зиёратчилар урушда ҳа-  
лок бўлган жангчилар қаб-  
ри олинган дафтарни кўз-  
дан кечириб бошладилар.  
Муртазоқул алайит бўйича  
дарҳол отасининг фамилия-  
сини топти. Чунки «Х»  
ҳарфи билан бошланган фа-  
мелия бўлганда у биринчи  
турар эди. Шу ерда жангчи  
ҳақида ҳарбий қисм сийсий  
раҳбарининг маълумотла-  
ри ёзилган варақа ҳам сақ-  
ланган экан. Кўчқор Ҳайдар-  
ов учун тутилган варақада  
жумладан шундай дейилган:

«Кўчқор Ҳайдаров Совет  
Армияси сафига Писнет  
районидан қабирилган. Хо-  
надонда умр йўлдоши Ро-  
ҳилла Ҳайдарова, фарзандла-  
ри Муртазоқул, Муртазоқул  
ва Аҳмадулло қолган».

Шу ўрнида қўйилганлар-  
ни таъкидлаб ўтиш лозим.  
Қ. Ҳайдаровнинг кичик ў-  
ли Аҳмадулло насаллиқдан  
вафот этган. Катта ўғли

Мустафоқул колхозда зоо-  
техник, ҳозир эса бригада  
бошлиғи бўлиб ишламоқда.  
Ун бир фарзандининг отаси.  
Эртанга ўғил Муртазоқул  
олий маълумотли, колхозда  
иқтисодчи, мактабда ўқитув-  
чи, Керович пахта тайёр-  
лаш пунктда бухгалтер бў-  
либ ишлаган. Ҳозир шу  
пунктнинг мудирини. Ун фар-  
зандининг отаси».

— Мана энди шаҳардаги  
Биродарлар қабристонига  
борсангиз бўлади. У ерда  
отангизнинг қабрини топа  
олсангиз, — деди ҳарбий ко-  
миссар. Комиссарнинг шофе-  
ри, Улуғ Ватан уруши қат-  
нашчиси Эвальде Янович  
Декисин машинада меҳмон-  
лар билан шаҳар Биродар-  
лар қабристонини томон йўл  
олди.


Қабристон шаҳар ўртаси-  
даги топиладик жойлашган.  
Тўрт томондан 20 та йўлак  
қўйдирлиб, атрофи мармар  
девор билан ўралган.

Мадон райони ва Мадон  
шаҳрини душмандан озол  
қилиш учун олиб боришган  
ҳайв-мамонт жангларига ҳа-  
лок бўлган 17 минг ватан-  
дорининг қабри

дошимиз ҳурмати учун қаб-  
ристонда ҳам, шаҳар кўча-  
ларида ҳам сукутатини бу-  
зишга ҳеч қўйишга латиш-  
лар ҳар йили қасамд қили-  
шар экан. Улар немис-фа-  
шист босқинчилари устидан  
қозонилган Буюк ғалаба  
байрамини «марҳумлар ҳур-  
мати учун шаҳримизда умр-  
боқ тинчлик сақлаймиз»  
шiori остида нишонлар  
эканлар.

Зиёратчилар кенг йўлак-  
дан боришар экан, атрофга  
ҳайратланиб, суқланиб бо-  
қишди. Негаки, у маданият  
ва истироҳат боғининг ўзи-  
нати эди. Мармар девордаги  
рўйхат ҳарбий комиссариат-  
да қайд қилинган тартибда  
экан. Меҳмонлар қабристон-  
да дағи этилган барча мар-  
ҳумлар хотираси учун бир  
дақиқа сукут сақладилар на  
шу ерда суратга тушибди.  
Шаҳар джироли комите-  
тининг руҳсати билан ўла-  
ри олиб бортан ёдгорлигини  
ўрнатилди.

М. САМАДОВ,  
Улуғ Ватан уруши вете-  
рани.



СУРАТДА: зиёратчилар (ўртада Муртазо Ҳайдаров) Мадон шаҳри қабристонига.

## Б И Л А С И З М И ? Э С П Е Р А Н Т О Ф А К Т Л А Р Д А

1888 йилда А. С.  
Пушкиннинг «Бўрон» пове-  
сти — биринчи адабий асар  
— Эсперанто тилига таржи-  
ма қилинган.

Биринчи эсперанто  
тўғрисида Одессада 1899 йил-  
да ташкил этилган. Бирин-  
чи эсперантистлар жамияти  
«Эсперо» («Умид»)га 1891  
йилда Москвада асос солин-  
ган.

1896 йилда Смоленск-  
да Л. Н. Толстойнинг «Пер-  
вый винокур» пьесаси асосида  
жаҳонда биринчи марта эспе-  
ранто тилида спектакль  
қўйилган. Л. Н. Толстой  
вегетариан — эсперантистлар  
жаҳон уюшмасининг бирин-  
чи раиси бўлган.

1903 йилдан бошлаб  
Жюль Верн (Франция)  
Альенда эсперанто клуби-  
нинг аъзоси, унинг фахрий  
президенти бўлган.

1905 йилда Булонь  
— сю — мерда (Франция)  
эсперантистларнинг биринчи  
Конгресси ўтказилган.

Россия эсперантистлар-  
нинг биринчи съезди  
1910 йилда Петербургда  
ўтказилган.

Кремльдаги В. И. Ленин  
кутубхонасида эсперанто  
дарслигида шундай ёзув бор:  
«Дарслик ахтиром билан жа-  
ноб Ленинга, Совет Респуб-  
ликаси раисига, Эсперанто  
ҳомийсига автордан Л. Ме-  
ра».

Совет эсперантистларин-  
инг 1 съезди 1921 йилда  
Петроградда бўлиб ўтган.  
Шу даврдан бошлаб мамла-  
катимизда халқро тилда  
журналилар, китоблар, дарс-  
ликлар, лугатлар қўллаб  
нашр этила бошладилар.

1921 йилда «Санъат  
ҳодимлари вестинги»да М.  
Горькийнинг «Эсперанто  
ушганимиз» деган мақоласи  
босилган.

Академик С. Обручев  
ёшлигида Москвада чиқари-  
ган «Ондэ Эсперанто»  
(«Эсперанто тўлқини») жур-

налининг редактори бўлган.  
У М. Горькийнинг «Бўрон  
куши ҳақида кўши»ни  
эсперанто тилига таржима  
қилган.

Бутун жаҳонга машҳур  
«Катюша» кўшигининг авто-  
ри — М. Исаковский ҳам  
халқро тилда шеърлар ёз-  
ган.

1922 йилда биринчи  
март эсперанто тилида ра-  
дио эшиттириш бошланган.  
Биринчи совет почта открыт-  
калари устига ёзувлар  
эсперанто тилида битилган.

1928 йилда А. В. Лу-  
начарский Ленинградда ишчи  
эсперантистлар жаҳон съез-  
дининг делегатларини таъ-  
риқлаган ва коммунистлар  
билан эсперантистларнинг  
ғоявий яқинлигини қайд этиб  
ўтган.

1927 йилда Калугада  
К. Э. Цяпковскийнинг  
«Умуинсоний айдифе, ёзув  
ва тил» деган китоби эспе-  
ранто тилида чиққан.

ВЛКСМ VIII съезди  
интернационал алоқаларда  
халқро тилдан фойдала-  
нишнинг тавсия этди.

Афсонавий совет раз-  
ведчаски, Совет Иттифоқи  
Қаҳрамони Н. Кузнецов 14  
ёшидан бошлаб эсперанто  
тилини ўрганган.

Ю. Гагариндан кейин  
космосга иккинчи бўлиб чи-  
ққан Г. Титов — эсперанто-  
чилар авлоди — ажойиб  
эсперантист. 1964 йилда  
унинг отаси С. Титов Гага-  
да ўтган 49-жаҳон эсперанто-  
чиларнинг конгресси қат-  
нашчиларини совет делега-  
цияси номидан таъриқлаган.

Халқро тили қўллаб  
мамлакатлардаги мактаблар-  
да ўқитилмоқда. Бу тилда  
100 га яқин газета ва жур-  
наллар нашр этилмоқда.

Халқро тилда турли  
билим соҳаларига оид еттига  
илинчи журнал нашр этил-  
моқда.

1978 йилда СССР нинг  
янги Конституцияси эсперан-  
то тилида чиқарилган.  
Тўпловчи В. Насриддинова.

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

М. Қориекубов номидаги ўзбек давлат филармонияси  
СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА  
9, 10 ФЕВРАЛЬ СОАТ 19.30 ДА  
Бутуниттифоқ профессионал бадий коллектив-  
лар кўриги-конкурси дипломанти ва Ўзбекистон  
Ленин комсомол мукофотининг лауреати

ВОКАЛ-ХОРЕОГРАФИК «ЛАЗГИ»  
АНСАМБЛИНИНГ  
КОНЦЕРТИ  
ҚАТНАШАДИЛАР:  
Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист  
Ортық ОТАЖОНОВ

Солистлар: Уктам АХМЕДОВ, Фирюза СОЛИХОВА ва  
бошқалар.  
«ЛАЗГИ» ансамблининг бадий раҳбари — Ўзбекистон  
ССРда хизмат кўрсатган артист Ортық ОТАЖОНОВ.

Балетмейстер — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган  
артист, СССР Давлат мукофотининг лауреати — Равша-  
нон ШАРИПОВА.

Музыка раҳбари — Асқарали ҲИДИРОВ.

## ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ КОНТОРАСИ

ФЕВРАЛЬ ОИДА  
ХРОНИКАЛ-ҲУҲЖАТЛИ ВА ИЛМИЙ-ОММАВОП  
ФИЛЬМЛАР

## ТЕМАТИК КЎРИГИНИ ЎТКАЗАДИ

БЕКОВОД ШАҲРИДАГИ  
«ЮБИЛЕЙ» КИНОТЕАТРИДА  
9—12 да — Илчи даласи.  
14—19 да — Ўзбекистон Компартияси XX съезди.  
Муборак миллионлари.  
16—19 да — Бузилмас иттифоқ. Уренгой — Марказ.  
Кўтарилиш.

АНГРЕН ШАҲРИДАГИ «ДРУЖБА»  
КИНОТЕАТРИДА  
9—12 да — Афсонасиз Норак, Тенг ҳуқуқлилар оиласи.  
14—19 да — Қорақумни саҳро деманглари. Бирлик  
шиори. Коинот ҳам замин ҳам тинчлик учун.

ОҲАНГАРОН ШАҲРИДАГИ  
«ВОСТОК» КИНОТЕАТРИДА  
9—12 да — Рақобатчи дўстлар, Латвия — сизнинг синг-  
лингиз.  
14—19 да — Халқнинг юксак ишончи, Дўстлик билан  
қудратли.  
28 да — Шимол балиқчилари ҳузурида, Комиссарлар  
меросхўрлари.

ТҶУТЕПА ШАҲРИДАГИ  
40 ИЛЛИГИ НОМЛИ КИНОТЕАТРИДА  
9—12 да — Ватан чегараси, Буюк тақдирли шаҳар.  
14—19 да — Севастополь кemasлари, Коммунистлар  
ҳақида беш қўшиқ.  
28 да — Халқнинг юксак ишончи, Шахмат майдони-  
нинг чеккасида.

ПАРКЕНТ ШАҲРИДАГИ  
«БАҲОР» КИНОТЕАТРИДА  
9—12 да — Умумхалқ жасорати, Хотин-қизларнинг  
тинчлик ҳақидаги сўзи, Республикалар ва қалблар  
иттифоқи.

ЧИРЧИК ШАҲРИДАГИ  
НАВОЙИ НОМЛИ КИНОТЕАТРИДА  
9—15 да — Серкўёш Ўзбекистон, Менинг бригадам.  
14—19 да — Тошкент жасорати, Туғилган қишлоғи —  
ушнинг муҳаббати, Сийсий ўғув кўргазмаси.

МАШИНАСОЗЛАР САРОИИДА  
11—12 да — Озиқ-овқат программаси амалда.  
18—19 да — Ўрмондан репортаж.  
25—26 да — Революциянинг тўғич раассоми.

ҚУРУВЧИЛАР САРОИИДА  
11—12 да — Тюмень, Олтин балиқ учун тўр.  
18—19 да — Икки халқ фарзандлари, Позиция бўстони.  
25—26 да — Ўртоқ князь, Серкўёш Ўзбекистон.

КЕЛЕС ШАҲРИДАГИ «СПУТНИК» КИНОТЕАТРИДА  
9—12 да — Махсус топишчи оғлан поезд, Биринчи-  
дан ўйинчи, Европа, Осиёишталик ҳодимлари.  
14—19 да — Совет кўмилигида оиласи, Беш йиллик  
пешқадамлари, Келажак учун қонуи.

ОРЖОНИКИДЗ РАЙОНИДАГИ  
«ДРУЖБА» КИНОТЕАТРИДА  
9—15 да — Кузбасснинг қора марвариди, Червяковга,  
Тезлик билан, Ленин.  
16—29 да — Замондошлар, Эртанги куннинг кўмири,  
Маъдан ва нон, Ҳуқуқ дарси.

«Эртароқ тур», 11.50 — Кино-  
программа, 13.00 — «Еттидан  
ўн иккигача», Бадий фильм.  
14.15 ва 18.00 — Янгиликлар.  
18.15 — «Ешлик», 18.45 —  
«Бизнинг иқтисодий шарҳ»,  
19.15 — «Дала ишлари кунде-  
лиги», 19.30 — «Ахбороти»,  
19.45 — «Инсон ва қонуи» поч-  
тасидан, 20.10 — Мултифильм,  
20.30 — «Ахбороти», 20.50 —  
«Бизнинг иқтисодий шарҳ»,  
21.30 — «Время», 21.50 — «Вре-  
мя», 22.05 — Ойбек, «Навоий», Кўп  
серияли видеофильм, 9-серия,  
23.15 — Эркин кураш бўйича  
халқро учрашув, СССР — АҚШ,  
ЎзТБ-II, 9.00—16.25 — МТ-II,  
18.15 — 18.35 — Телеочерк,  
19.05 — Телефильмлар, 20.00 —  
Янгиликлар, 20.20 — Реклама,  
20.30 — «Биз метро кураш-  
миз» 21.00 — Телефильм,  
21.30 — МТ-II.

МТ-I, 9.00 — «Время», 9.40 —  
«Калбага яқин қўшқилар»,  
10.25 — Мултифильмлар, 10.45 —  
«Саёхатлар клуби», 11.45 —  
«Бизнинг иқтисодий шарҳ»,  
14.00 — «Время», 14.20 —  
XIV киши Олимпиада ўйинла-  
рида, 16.30 — «Хужжатли филь-  
м», 16.55 — «Рус тили,  
17.25 — «Визит» камер оури,  
икро элади, 17.45 — «Рассу-  
ларда кўш акс бори», 18.00 —  
«Миллионлар ленинча ушвер-  
ситети» 18.30 — XIV киши  
Олимпиада ўйинларида, Танфас-  
си пайтда (19.10) — «Дунё  
воқеалари», 20.50 — «Қурилиш  
ва архитектура», 21.00 — Кон-  
церт, 21.30 — «Время», 22.05 —  
«Хужжатли фильм», 22.15 —  
XIV киши Олимпиада ўйинла-  
рида, 23.05 — «Дунё воқеала-  
ри», 23.20 — 00.20 — «Даври-  
миз адабиети тинчлик учун  
курашда».

МТ-II, 9.00 — Эрталабки гим-  
настика, 9.15 — 9.35 — Хуж-  
жатли фильм, 12.05—12.35 —  
«Оила ва мактаб», 13.35—14.05 —  
«Бiology халқ хужжалиги»,  
14.35 — «Пушкин шеърля-  
ти олимпиада», 15.20 — «Барбод  
бўлган экспедиция», Бадий  
фильм, 16.20—16.25 ва 18.30 —  
Янгиликлар, 18.50 — Концерт,  
19.05 — Телефильм, 20.00 —  
20.30 — «Халқдўстлиги», 20.45 —  
«Адабий ўқиш», 21.30 — «Вре-  
мя», 22.05 — «Биз биргалик-  
да» Телевизион бадий  
ойини, 23.15 — 00.20 — XIV  
киши Олимпиада ўйинларида.

ЎзТБ I, 11.00 — «Ахбороти»,  
11.20 — Болалар учун фильм,  
11.50 — «Ахбороти», 12.00 —  
«Ахбороти», 12.30 — «Ахбороти»,  
13.00 — «Ахбороти», 13.30 —  
«Ахбороти», 14.00 — «Ахбороти»,  
14.30 — «Ахбороти», 15.00 —  
«Ахбороти», 15.30 — «Ахбороти»,  
16.00 — «Ахбороти», 16.30 —  
«Ахбороти», 17.00 — «Ахбороти»,  
17.30 — «Ахбороти», 18.00 —  
«Ахбороти», 18.30 — «Ахбороти»,  
19.00 — «Ахбороти», 19.30 —  
«Ахбороти», 20.00 — «Ахбороти»,  
20.30 — «Ахбороти», 21.00 —  
«Ахбороти», 21.30 — «Ахбороти»,  
22.00 — «Ахбороти», 22.30 —  
«Ахбороти», 23.00 — «Ахбороти»,  
23.30 — «Ахбороти», 24.00 —  
«Ахбороти».

ХАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВ-  
ЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕА-  
ТРИДА 9/II да Рўб, 10/II да  
Олтин девор, 11/II да Қиймат  
қарз.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК  
ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИ-  
ДА 9/II да Лайли ва Маж-  
нун, 10/II да Хизматингизга  
тайёриш, 11/II да Тошкентлик-  
лар.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРК-  
ИДА «ЭКЗОТИК ФАНТАЗИЯ»  
аттракцион. Ўргатилган гамад-  
риллар группаси (19.30)

## СПОРТ

### МУСОБАҚАЛАР, УЧРАШУВЛАР

СУЗИШ. Франция пой-  
тахти Парижда эркаклар ва  
аёллар ўртасида халқро  
турнир ўтказилмоқда. Унда  
тошкентлик икки спортчи му-  
таваффиқли иштирок этил-  
ди. «Мехнат» вакили Лари-  
са Белаконь 200 метрга  
брасе усулида сузишда бир-  
инчи ўринни қўлга кирит-  
ди. Сергей Заболотнов  
(«Старт») чалканча сузиш  
бўйича иккинчи ўринни эгал-  
лади.

ВОЛЕЙБОЛ. Москвада  
спортнинг бу тури бўйича  
эркаклар ўртасида мамлакат  
чемпионати мусобақалари

қизғин давом этапти. «Дина-  
мо» командаси Олмаотининг  
«Дорожники» волейболчили-  
рига 3:1 ҳисобида ютқазиб  
қўйдилар.

ФУТБОЛ. Тошкент  
шаҳри ва Тошкент области  
футбол майдонларида Усмои  
Юсупов хотираси соврини  
учун ўтказилаётган спорт  
мусобақаларининг иккинчи  
тури низолашди. «Пахта-  
кор» Фарғонанинг «Нефти-  
ник» командасини 1:0 ҳис-  
обида мағлубиятга учратди.  
«Сохибор» «Старт» (Тош-  
кент) — учрашувида 4:1 ҳи-  
соби қайд қилинди.

### ХАЛҚ ТЕАТРИДА ПРЕМЬЕРА

И. ОХУНБОВЕВ номи-  
даги Тошкент шаҳар маданият  
уйи халқ театрининг иккинчи  
коллективи Али Жамол-  
нинг «Мулла мубтало» сати-  
рик комедияси премьераси-  
ни томошабинлар ҳўқмига  
хавола этди. Асарни Тош-  
кент Давлат маданият инсти-  
тутининг битирувчиси То-  
ҳир Орифонов саҳнага қўй-  
ди. Спектакль безакларини  
рассом А. Чернов ишлади.  
Ўғирлик қилгани учун қа-  
малиб чиққан «Аллома»  
ўргатган кўнгли ўртанса

қўймас» деганларидек, тағин  
шум режалар тўзди, енгил  
пул топши йўллариин ах-  
тиради. Нихоят чекка қишлоқ-  
лардан бирига бориб, Мулла-  
бой сингари ўзига ўхшаш  
кимсаларнинг ердамида ўзи-  
ни «табиб» деб тағрибот қи-  
лади. Бу наби «қўди енгил  
табиб»ларга ихлоос қўйган бе-  
дорларнинг дарди баттар  
оғирлашади. Аммо уларнинг  
«фаолияти» кўпга чўшилмай-  
ди, қилмишлари милиция хо-  
димлари томонидан фoш  
этилади.

Асардаги «Аллома» (Т.  
Орифонов), Муллабой (Ш.  
Махкамов), унинг хотини (Т.  
Иброҳимова), бемор (Т. Сид-  
диқов), милиция подполков-

ниги (Х. Икромов), Чоршан  
бобо (А. Тобижонов) каби  
этакчи ролларни ястедодлик  
актёрлар ўйнамоқдалар. Халқ  
театрининг янги спектакли  
томошабинларга манзур бўл-  
моқда.

Х. ҚОСИМОВ.

### «ИЛҲОМ»ДА ҲАЙКАЛТАРОШ КЎРГАЗМАСИ

Республика ижодкор ёш-  
ларининг «Илҳом» клубида  
ёш ҳайкалтарош Азамат Ҳо-  
тамов асарларининг кўргаз-  
маси очилди.  
Кўргазмага қўйилган 20

дан зиёд пластика, 100 га  
яқин график ишлар мавзун  
ранг-баранг бўлиб, уларда  
пахтакор, сувчи, ишчи, она  
образларини, шарқ алома-  
лари қиёфаларини ҳам кў-  
расиз. Хусусан, «Мироб»,  
«Тракторчи С. Рўзиев»,  
«Оналик», «Пахтакор Р.  
Назарова», «Қиз портрети»,  
«Ишчи» каби ижод намуна-  
лари шулар жумласидан-  
дир. Ёш ҳайкалтарошнинг  
«Курашчи» асари айниқса  
муваффақиятли чиққан. Унда  
ғалабага ишонч, ирода  
ва қатъийлик белгилари на-  
моён бўлган.

Кўргазма санъат ихлоос-  
мандларига катта таассурот  
қолдирмоқда.  
Б. ТОЖИЕВ.

## ХАЛҚАРО АХВОЛ

### ЛИВАНДАГИ АХВОЛ

БАЙРУТ. 7 февраль.  
(ТАСС). АҚШ 6-флотининг  
Ливан соҳилларига келти-  
рилган кемалари Байрутнинг  
тоғли районларини ва шаҳар  
чеккаларини шиддатли тўнга  
тутди. «Жон Кеннеди» авиа-  
носидидаги жанговар само-  
лётлар Ливан миллий ватан-  
парвар кучларнинг позиция-  
ларига бир неча марта ҳу-  
жум қилди. Америка ҳарбий-  
лари Ливандаги аралашуви-  
ни кенгайтириш йўлидан бориб,  
биринчи марта палубадаги  
авиация ва артиллериядан  
қўшма зарба бердилар. Қўш-  
ма Штатларнинг қўпо зўра-  
волини вазиятни нормал-  
лаштиришга тўқинлик қи-  
либгина қолмай, балки амал-  
да мамлакатда миллий тотув-

ликка эришиш йўлидаги куч-  
гайратларини барбод этишга  
олиб келди.  
Ливан пойтахтида Вашинг-  
тон билан Тель-Авив аъж  
олдираётган жамоалар ўрта-  
сидagi шиддатли қуролли  
тўқнашувлар содир бўлди.  
Ғарбий Байрутнинг турар-  
жой кварталлари қаттиқ тўн-  
га тутилди. Байрут халқро  
аэропорти, шунингдек, пой-  
тахтининг денгиз порти яна